



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 22 март, № 61 (8123)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## НАВРЎЗ — ИНСОНИЙЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА БАҒРИКЕНГЛИК БАЙРАМИ



Кеча пойтахтимиздаги “Humo Arena” мажмуасида Наврўз байрамига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

2022 йил, 21 март. Душанба. Эрта тонгдан азим Тошкент шаҳрининг марказида, бунёдкорлик, яратувчанлик ва тинчлик рамзи сифатида ватандошларимизнинг энг сеvimли масканларидан бирига айланган муқаддас “Humo Arena” кошоносида кўп миллатли халқимиз жам бўлди. Мазкур замонавий мажмуага Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, санъат, спорт намоёндалари, тадбиркорлар, ҳурорий отахону онахонлар, дипломатик корпус вакиллари, хорижлик меҳмонлар ва турли соҳаларда фаолият юритаётган ватандошларимиз, ёшлар тақриф этилди.

Кўз ўнгимизда миллий қадриятларимиз, баҳор нафасини бахш этувчи ва юксак дид билан безатилган байрамона сахна. Асосий байрам тантанали бошлангандан дарах берувчи ёқимли мусиқалар янгради. Саҳна марказига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташриф буюрди. Йиғилганлар давлатимиз раҳбарини гулдўрос қарсақлар билан кутиб олди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар! Хурматли меҳмонлар! Аввало, сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни шарқона янги йил — Наврўз байрами билан чин юракдан самимий табриқлайман. Барчангизга тинчлик-омонлик, сийҳат-саломатлик, бахту саодат ва улкан ютуқлар тилайман. Бугунги файзли дамларда чет эллардаги ватандошларимизни ҳам Наврўз айёми билан қутлаб, уларга чуқур хурматим ва эзгу тилақларимни изхор этаман. Муҳтарам дўстлар!

Биз баҳор, яшариш ва янгиланиш фасли — Наврўзи оламни ҳамиша орзиқиб, интизорлик билан кутамиз. Аммо бу галги соғинчимиз чексиз, деса, ўйлайманки, сизлар ҳам менинг фикримга қўшиласиз. Чунки коронавирус пандемияси туфайли биз кейинги икки йилда ушбу ардоқли байрамни халқимиз кутганидек юксак даражада нишонлай олмадик. Мана, ниҳоят, Наврўз байрамини яна кексаю ёш барчамиз биргаликда катта шоду хуррамлик билан қарши олмақдамиз. Бугун Наврўз байрамини Сиз, азизлар

билан мана шу муқаддас “Хумо” саройида ўтказяймиз. Чунки барчангиз қўриб турибсиз — сўнгги ҳафтада юртимизда ҳаво совиб, ёнғингарчилик юз бермоқда. Аммо ҳаммамиз яхши тушунамизки, шу кунларда осмондан ёмғир эмас, оби раҳмат ёғмоқда, кут-барақа билан ризқу рўз ёғмоқда. Бунинг учун Яратганга ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди. Буюк аллома Ҳаким Термизий бобомиз ўзининг “Наврўзнама” китобида “Наврўзи олам душанба кунни кирга, ёмғир, қор ёғади, дехқончилик, ҳосил мўл бўлади —

йил тўқчиликда ўтади”, деб ёзганлар. Бу фикрлар бугун — айна душанба кунини Наврўзи кутиб олаётган эл-юртимизнинг эзгу орзу-ниятлари билан уйғун ва ҳамоханг, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади. Хурматли байрам иштирокчилари! Биз мамлакатимизда бошлаган улкан ислохотларимизни давом эттириш мақсадида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ҳамда “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” дастурини қабул қилдик. Меҳнатқаш ва олижаноб халқимиз миллий ривожланишининг янги даврига улғу-

вор мақсад ва амалий ишлар билан қириб бормоқда. Бунинг тасдиғини биз бугун ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла, қишлоқ ва овулар, шаҳарларимиз мисолида яққол кўришимиз мумкин. Ўртимизда юзлаб замонавий корхоналар, йўл ва коммуникация тармоқлари, шинам турар-жойлар, янги боғча ва мактаблар, олийгоҳлар ҳамда маданият масканлари, тиббиёт ва спорт иншоотлари барпо этилмоқда. Барча худудларимизда “Янги Ўзбекистон” боғлари, “Янги Ўзбекистон” массивлари бунёд қилинмоқда. “Обод маҳалла” ва “Обод қишлоқ”

дастурлари қаторида бутун мамлакатимиз бўйлаб “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу бектақор айёмда Наврўзнинг олижаноб қадриятларидан куч-қувват ва илҳом олган халқимиз маҳаллаларда хашарлар қилиб, кўчат ва гуллар экиб, янги-янги боғ-роғлар, сайилгоҳлар яратмоқда. Айтиш мумкинки, айна пайтда бутун мамлакатимиз байрам кайфияти ва бунёдкорлик руҳи билан яшамоқда.

(Давоми 2-бетда).

## РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ НАВРЎЗ БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИҚЛАДИ

21 март кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида Россия Президенти давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқини баҳор, янгиланиш байрами — Наврўз билан самимий табриқлаб, фаровонлик ва раванқ тилади. Етақчилар мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги билан ҳам бир-бирини чин юракдан қутладилар. Кейинги йилларда Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги мисли кўрилмаган юксак — стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасига чиққани мамнуният билан таъкидланди. Амалий ҳамкорликнинг самарали механизмлари фаолият юритмоқда, унинг энг муҳим йўналишлари бўйича яқин мулоқот йўлга қўйилган. Товар айирбошлаш барқарор олиб бормоқда. Утган йил якунида ўзаро савдо қўрқаткичи 7,5 миллиард долларга етди, жорий йил бошидан эса 50 фоизга ортди. Устувор инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Россиянинг мамлакатимиз иқтисодиётига инвестициялари ҳажми қарийб 10 миллиард долларни ташкил этмоқда. Икки мингдан зиёд қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. Россиянинг нуфузли делегацияси шу ҳафта пойтахтимизда бўлиб ўтади-ган Тошкент Халқаро инвестиция форуми ишида иштирок этиши кутилмоқда. Фаол маданий-гуманитар алмашинув давом этмоқда. Мулоқотда савдо, инвестициялар, санъат кооперацияси каби муҳим соҳаларда, шу жумладан, Ўзбекистон ва Россия ҳудудларининг етақчи корхоналарини жалб қилган ҳолда кўп қиррали икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш истиқболлари муҳокама қилинди. Икки мамлакат вазирлик ва идораларининг олий даражада эришилган келишувларни кенг қўлама амалга ошириш бўйича фаол алоқалари ва ўзаро мувофиқлашган ишлари давом эттириш муҳим экани қайд этилди. Минтақа ва халқаро кун тартибидеги масалалар, жумладан, Украина атрофида юзага келаётган вазият юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон ва Россия Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек дўстона ва ишонч руҳида ўтди.

Ў.З.А.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Баҳор, табиат уйғониши ва янгиланиш рамзи бўлган Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, етақчи халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли давлат ва жамоат арбобларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва раванқ тилақлари изхор этилган. Хорижий ҳамкорлар ўз қутловларида Янги Ўзбекистондаги мамлакатни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ислохот ва янгиланишларда эришилаётган катта ютуқ ва муваффақиятларни, давлатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи изчил мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида қайд этган.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари! Хитой ҳукумати ва халқи номидан ҳамда ўз номидан Сизни Ўзбекистоннинг аънанавий байрами — Наврўз муносабати билан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз. Яқинда Сиз билан Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонладик. Пекиндаги қишқи Олимпия ўйинларининг очилиш маросими доирасида дўстона муҳитда сермахсул учрашув ўтказдик ҳамда икки томонлама муносабатларни чуқурлаштириш ва биргаликда “Бир макон, бир йўл”ни барпо этиш, COVID-19 коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан янги келишувларга эришдик. Мен Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқдаман ва Сиз билан биргаликда мамлакатларимиз раванқи, халқларимиз фаровонлиги йўлида аънанавий дўстликни мустаҳкамлаш ва икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга тайёрман. Сизга мустаҳкам соғлиқ, давлатчилик фаолиятингизда катта муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилайман!

Си Цзиньпин, Хитой Халқ Республикаси Раиси



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Президент жаноблари! Сизга ва Ўзбекистон халқига Наврўз бахтли ва фаровон бўлишини тилайман. Бу барча учун тинчлик ва янгиланиш байрамидир, жорий йил эса мамлакатларимиз дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлаётгани билан алоҳида аҳамиятлидир. Менинг маъмуриятим пандемияга қарши кураш, стратегик шериклигимизни чуқурлаштириш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги муваффақиятли саъй-ҳаракатларимизни давом эттириш учун келгуси йилда Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан умидвор. Мамлакатингизни Америка инвестициялари учун жозибador қилишига ёрдам берган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларингизни қўлаб-қувватлашдан мамнунимиз. Шунингдек, Сиз билан С5+1 жараёни доирасида умумий минтақавий мақсадларимиз йўлидаги ишларимизни давом эттиришга интиламиз. Наврўз муборак! Хурмат билан,

Жозеф Робинетт БАЙДЕН, Америка Қўшма Штатлари Президенти



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович! Барчамиз учун умумий бўлган Наврўз байрами муносабати билан Сиз ва юртдошларингизни самимий табриқлайман. Ушбу файзли баҳорий байрам юксак маънавий қадриятларни акс эттириб, янгиланиш, тинчлик ва бирлик-ка чоғлайди. Азал-азалдан қадрли Наврўз биродар давлатларимизга шодлик ва фаровонлик олиб келган. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва яхши кўшничилликка асосланган иттифоқчилик бундан буюн ҳам халқларимиз фаровонлиги йўлида изчил ривожланади. Ушбу файзли кунларда Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мамлакатингиз раванқи ва барқарор тараққиёти йўлидаги барча эзгу ташаббусларингизга катта муваффақиятлар, қардosh ўзбек халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман. Наврўз ҳар бир хонадонга кут-барақа олиб келсин! Хурмат билан,

Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ, Қозоғистон Республикаси Президенти

## ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Наврўз умумхалқ байрами арафасида халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кеңирилик бўлиши каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв

этиш тўғрисида”ги Фармони имзолади. Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 75 нафар шахс афв этилди. Афв этилган шахсларнинг 4 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 53 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод

қилинди, 2 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 16 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди. Афв этилганларнинг 18 нафарини чет эл фуқаролари, 17 нафарини аёл, 15 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 6 нафарини ногиронлар ҳамда 9 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолияти-

да қатнашган шахслар ташкил этади. Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Ў.З.А.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қадрли дўстлар! Маълумки, дунёда турли байрамлар, қўлгус саналар кўп. Лекин инсон қадри ва шайнинг улуғлашда Наврўз айёми алоҳида ўрин тутди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Наврўз ҳаммамизга инсонийлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик фанидан сабоқ беради. Шу файзли лаҳзаларда барчамиз тинчлик ва осойишталик нақадар бебаҳо неъмат эканини, унинг қадр-қиммати ва аҳамиятини яхши англаймиз.

Бугунги мураккаб дунёда халқимиз ҳаётини, фарзандларимиз келажagini, мусалфаф осмонимизни асраб-авайлаш учун ҳар биримиз масъул ва жавобгар эканимизни янада чуқурроқ ҳис этамиз. Наврўз байрами мамлакатимизда яшаётган, миллилати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз учун умумхалқ байрамига, энг сеvimли

ва ардоқли айёмга айлангани билан чексиз фахрланамиз.

Айни шу кунларда бағрикенг диёримизда миллитлараро дўстлик, ўзаро ҳурмат, саховат ва муруват туйғуларни яққол намойён бўлмоқда.

Инсон қадрини улуғлашга қаратилган эзгу ишларимиз доирасида кенг жамоатчилик уйма-уй юриб, беморлар, кекса ва ногиронларга, кўмакка муҳтож оилаларга меҳр-оқибат, амалий ёрдам кўрсатмоқда. Биз барча хавас қиладиган бундай боқий урф-одатларимизни кўз қорачиқдек асраб, азиз фарзандларимизни мана шундай юксак одамийлик руҳида тарбиялашни давом эттиришимиз лозим.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Халқаро Наврўз кўни муносабати билан барча хорижий дўстларимиз ва ҳамкорларимизни, бугунги байрамимизда иштирок этаётган дипломатик корпус вакиллари учун айюл билан табриклар, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик, фаровонлик ва раҳнақ тилаймиз. Азиз юртовдлар! Эртага юртимизда яна бир қўлгус байрам — Маҳалла кўни кенг нишонланади.

Маҳалла биз учун Ватан ичра кичик ватандир.

Шу боис биз инсон қадрини маҳалла билан уйғун ҳолда тасаввур этамиз. Маҳалла тинч бўлса — бугун юртимиз тинч бўлади. Маҳалла обод бўлса, бутун мамлакатимиз фаровон бўлади.

Айни шу сабабли, ҳаётимизда маҳалланинг ўрни ва нуфузини ошириш, унинг ваколат ва имкониятларини кенгайтиришга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз.

Маҳаллабай ишлаш асосида аҳолининг яшаш шароитларини, ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, одамларимизнинг соғлигини асраш, ижтимоий муаммоларни ечиш, хотин-қизлар ва ёшларни замонавий касб-хўналарга ўқитиш, уларни иш ўринлари ва уй-жой билан таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларимиз янги босқичга чиқмоқда.

Доимо эл-юрт хизматига бўлиш, унинг таъми ва муаммолари билан яшаш барча даражадаги раҳбар ва мутасаддилар учун фаолият мезонига айланмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, аҳолининг оғирини энгил, мушкулни осон қилиш

мақсадида астойдил хизмат қилаётган барча-барча инсонлар — маҳалла раислари ва фаолларини, муҳтарам нурунийлар ва халқ ноибларини, кайвони опа-сингилларимизни, ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчиларини самимий табриклар, уларга янги зафарлар ва омадлар тилаймиз.

Азиз дўстлар! Мана шу баракали кунларда ризку насибамиз бунёдкори бўлган миришкор деҳқон ва фермерларимиз, соҳибкор бобон ва чўпонларимиз яхши кайфият ва эзгу ниятлар билан қадрдон далалари ва боғлари, яшил яйловлари томон йўл олмоқдалар.

Уларнинг барчасини чин дилдан қўллаб, янги мавсумда ишларига ривож ва омадлар тилаб, ҳосилимиз мўл, хирмонларимиз баланд бўлсин, деб пок ниятлар қиламиз.

Ҳурматли юртовдлар! Наврўз ва ёшлик тушунчалари бир-бирига бағоят яқин ва муштаракдир.

Бугун азму шижоатли миллионлаб фарзандларимизга гурур билан қарар эканмиз, бу ҳақиқатга такроран ишонч ҳосил қиламиз.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда, эзгу орзу-интилишлар билан ҳаётга кириб келётган ёш авлодимизга — азиз болаларимга мурожаат қилиб айтмоқчиман:

Қадрли ўғил-қизларим, сизлар мустақил, эркин ва обод Ватан бағрида вояга етмоқдасиз. Бу, ҳеч шубҳасиз, бебаҳо бойлик ва катта бахт, айни вақтда чексиз масъулиятдир.

Нега деганда, ота-оналар, устозларингиз бошлаган улкан ишларни эртага айнан сизлар давом эттирасиз.

Бу улғу вазифага ҳозирдан тайёр бўлишингиз, замонавий билим ва касб-хўналарини пухта эгаллашингиз, муқаддас Ватанимизни кўз қорачиқдек асрашингиз, унга ҳамиша содиқ бўлиб яшашингиз зарур.

Доимо ёдингизда бўлсин — биз интилаётган юксак марраларга, ҳеч қачон ўз-ўзидан, онсоник билан эришиб бўлмайди.

Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанснинг халқимизнинг буюк қудратидан куч олиб, бугунги ва эртанги авлодимиз бунёд этади. Сизлар бўлғуси Хоразмий ва

Фарғонийлар, Беруний ва Ибн Синолар, Улуғбек ва Навоийлар, Бобурлар сифатида Ватанимиз шону-шухратини бутун дунёга, албатта, тараннум этасизлар.

Илм ва ҳунар ўрганишдан, камолот сари парвоздан асло тўхтаманг. Доимо олдинга, юксак чўққиларга интилинг, азиз фарзандларим!

Муҳтарам юртовдларим, қадрдонларим! Мана шу қўлгус айёмда сиз, азизларим, бутун халқимизни Наврўз байрами билан яна бир бор, чин қалбимдан муборакбод этаман.

Наврўзи олам ҳар бир инсон, ҳар бир оилага тинчлик-хотиржамлик, яхшилик ва файзу барака олиб келсин!

Муҳтарам отахон ва касб-хўналаримизнинг умрлари зиёда бўлсин!

Меҳрибон опа-сингилларимизнинг эзгу тилаклари рўёбга чиқсин!

Азиз фарзандларимизнинг бахту иқболини берсин!

Жонаҳон Ватанимиз янада гўзал ва обод бўлсин!

Юртимиз тинч ва осойишта, халқимиз доимо соғ-омон бўлсин! Наврўз байрамингиз муборак бўлсин!

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Шавкат Миромонович! Сизни Наврўз байрами билан чин дилдан қўллаймиз!

Наврўз — эзгу интилишлар, пок орзу-умидлар, ҳаёт ва баҳор шодийенасини мужассам этган буюк қадимий байрам.

Ишончим комил, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар бундан буюн ҳам чинакам дўстлик ва яхши кўнчилилик руҳида мустаҳкамланиб боради.

Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, фаолиятингизда янги муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва равақ тилаймиз!

Ҳурмат билан,

**Садир ЖАПАРОВ, Киргиз Республикаси Президенти**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Шавкат Миромонович! Ўз номидан ва Озарбайжон халқи номидан Сизга ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқига Наврўз байрами муносабати билан самимий тилакларимни иборат этаман.

Табиати уюғотувчи, одамларга янги кайфият улашувчи ушбу баҳорий байрам ўзаро англашув, дўстлик ва ҳамжihatлиқни тараннум этади.

Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик Наврўзнинг эзгу қадриятларини юксак қадрлайдиган халқларимиз иродасига мувофиқ бундан буюн ҳам кенгайиб, мустаҳкамланиб боришига ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ, фаолиятингизга муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равақ тилаймиз.

Ҳурмат билан,

**Илҳом АЛИЕВ, Озарбайжон Республикаси Президенти**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Шавкат Миромонович! Сизга ва Сиз орқали дўст Ўзбекистон халқига аждодларимизнинг азалий байрами — Наврўз кириб келиши муносабати билан самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни иборат этаман.

Бугунги кунда халқаро байрам мақоми олан қадимий Наврўз айёми ўзининг чуқур маънавий мазмунини билан инсониятга хизмат қилаётгани кўнаради.

Замоннинг мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва геосийсий шароитларида Баҳор байрамимизнинг умминсоний қадриятларини тилиниши ва бунёдкорлик, тинчлик ва осойишталик, дўстлик ва аҳиллик, ўзаро тушуниш ва бирдамлик, ҳурмат ва кўмак каби юксак неъматларни ўзида акс

эттириш билан алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон — Тожикистон дўстлик, яхши кўнчилилик ва стратегик шериклик муносабатлари Наврўзнинг эзгу анъаналари руҳида келажакда ҳам ривожланиб, халқларимизнинг туб манфаатларига мувофиқ кенгайишига ишонаман.

Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва катта муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, барқарорлик, фаровонлик ва чексиз равақ тилаймиз.

Наврўз муборак! Ҳурмат билан,

**Эмомали РАҲМОН, Тожикистон Республикаси Президенти**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Қалбларга қувонч бағишловчи Наврўзнинг кириб келиши, табиат ва она заминнинг қайтадан жонланиши ҳамда ҳижрий-шамсий янги 1401 йилнинг бошланиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини, Сизнинг муҳтарам оила аъзоларингизни ва мамлакатингизнинг азиз халқини чин юракдан муборакбод этаман.

Наврўз худудийлик, оилани севиш ва тинчликпарварликдан келиб чиқадиган маданиятнинг авж нуктаси бўлмиш қадриятларга таянувчи цивилизациянинг тисмоси ва жилоланишидир. Исломининг азиз Пайгамбари (унга, унинг покиза авлодлари ва буюк саҳобаларига саловатлар бўлсин) шундай марҳамат қиладилар: «Баҳорни кўргангизда қиёматни кўпроқ эсланг». Яратилганининг буюклиги тўғрисида тафаккур қилиш ва табиатдаги ўзгаришларга эътибор қаратиш қалбнинг уйғонишига туртки, Аллоҳни эслаш воситаси ҳамда инсониятнинг тараққиёти ва юксалиши йўли ҳисобланади. Буюк шoir Саъдий Шерозий бу тўғрида шундай деган:

Тургин, ганимат билин уи баҳор елларини, Қўшларнинг қуйлаши-ю лозорор хуш хидини.

Шунингдек, Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд АББОС**, Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Шайх Сайф бин Зоид Ол НАҲАЁН**,



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Шавкат Миромонович! Сизни ва биродар Ўзбекистон аҳлини халқаро Наврўз байрами муносабати билан самимий муборакбод этиб, энг эзгу тилакларимни йўллаш мен учун шарафдир.

Наврўз байрами қадим замонлардан табиат тикланиши, ҳаёт тантанаси ва баҳор кириб келиши рамзидир. Меҳмондўстлик, тинчликсеварлик, яхши кўнчилилик ва юксак инсонпарварлик тамойилларини му-

жассам этган ушбу байрам халқларимиз ўртасидаги аҳиллик ва дўстликни мустаҳкамлашда алоҳида ўринга эга.

Ушбу ажойиб байрам Сиз ва мамлакатингизнинг бутун халқига шодлик, фаровонлик ва равақ олиб келсин.

Чуқур ҳурмат ила,

**Сердар БЕРДИМУҲАМЕДОВ, Туркменистон Президенти**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуку.

Сиз, Жаноби Олийларига ўз саломларимизни ва самимий тилакларимизни мамнуният билан йўллаб, бардавон соғлиқ, бахт-саодат, ўзбек халқига эса Сизнинг оқилона раҳбарлигингиз остида янада юксалиш ва тараққиёт тилаймиз.

Наврўз байрами муносабати билан Сизга самимий табрикларимизни тақдим этиб, юртингиз ривож йўлида қилаётган барча саяё-ҳаракатларингиз амалга ошишига ҳамда ушбу йил Сиз ва халқингиз учун яхшилик, бахт ва қувонч йили бўлиб қолишига тилақдошимиз.



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Шавкат Миромонович! Сизни буюк Наврўз байрами билан чин дилдан табриклайман.

Наврўз — энг қадимий қадриятлардан. Халқларимиз қалбини эзгуликка тўлдирувчи, уларга фаровонлик, шодлик келтирувчи ушбу байрам биродарлик ва дўстлик ришталарини янада мустаҳкамласин. Маънавий муштараклик, ўзаро қўллаб-қувватлашга асосланган Қозоғистон — Ўзбекистон муносабатларининг уйғунлигини юқори баҳолаб эканман, икки томонлама стра-

тегик шериклигимиз изчил ривожланиши мамлакатларимизни катта муваффақиятларга элтади, деб ишонаман.

Ушбу шукҳули дамларда, ҳурматли Шавкат Миромонович, Сизга ва оилангиз аъзоларига мустаҳкам соғлиқ ва фаровонлик, биродар Ўзбекистон халқига эса равақ ва бахт-саодат тилаймиз.

Ҳурмат билан,

**Нурсултон НАЗАРБОВЕВ, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбoshi**

Шанхай ҳамкорлик ташкилати Бош қотиби **Чжан МИН**, Туркий давлатлар ташкилати Бош қотиби **Бағдод АМРЕЕВ**, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилати Бош қотиби **Хусрав НОЗИРИЙ** ва бошқалар табрик йўлаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

## НАВРЎЗ — ИНСОНИЙЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА БАҒРИКЕНГЛИК БАЙРАМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимиз йиғилганларни, шу билан бирга, бутун халқимизни ушбу шукҳули айём билан қўллаб, байрам табригини йўллади, эзгу ҳамда самимий тилакларини иборат этди.

Давлатимиз раҳбари ўз табригида Наврўз байрами кўни айнан душанба кўнига тўғри келганида ҳам ўзгача маъно-мазмун мужассам эканлигини таъкидлаб, бу борада бобомиз Ҳаким Термизийнинг эъиб қолдирганларини ёдга олди.

— Буюк аллома Ҳаким Термизий бобомиз ўзининг «Наврўзнама» китобига «Наврўзи олам душанба кўни кирса, ёмғир, қор ёғади, дўхончилик, ҳосил мўл бўлади — йил тўқчиликда ўтади», деб ёзганлар.

Бу фикрлар бугун — айни душанба кўни Наврўзни қутиб олаётган эл-юртимизнинг эзгу орзу-ниятлари билан уйғун ва ҳамоҳанг, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Халқимизнинг ардоқли айёми — Наврўз экин-тикин мавсуми ҳам дейишди. Бинобарин, миришкор деҳқон ва фермерларимиз катта орзулар билан янги меҳнат мавсумини бошлаяпти. Эзгу мақсади миришкорларимизнинг фидокорона меҳнати ҳамда омилкорлиги тўғрисида йили мамлакатимизда мўл ҳосил еттиштирилмоқда. Булар бозорларимиз мўл-кўлигини таъминлаш билан бирга, оилаларимизга кут-барака киритапти.

Таъдирда таъкидланганидек, сўнгги йилларда барча соҳада амалга оширилаётган ишловларимиз ўз натижаларини берапти. Мамлакатимизда бошланган улкан ишловларни давом эттириш мақсадида 2022 — 2026 йилларга мўлжаллан-

ган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ва уни «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури қабул қилинди. Меҳнатқаш ва олижаноб халқимиз миллий ривожланишининг янги даврига улғувор мақсад ҳамда амалий ишлар билан кириб бормоқда.

Бунинг тасдиғини ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла, қишлоқ ва овуллар, шаҳарларимиз мисолида яққол кўриш мумкин. Юртимизда юзлаб замонавий корхоналар, йўл ва коммуналхизмат тармоқлари, уй-жойлар, янги боғча ва мактаблар, олийгоҳлар ҳамда маданият масканлари, тиббиёт ва спорт иншоотлари барпо этиляпти. Худудларда «Янги Ўзбекистон» боғлари, «Янги Ўзбекистон» даҳалари бунёд қилинмоқда. «Обод маҳалла» ва «Обод қишлоқ» дастурлари қаторида, бутун мамлакатимиз бўйлаб «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси амалга ошириляпти. Шу кунларда одамлар хашарлар қилиб, қўчат ва гуллар экиб, янги боғлар, сайилгоҳлар яратмоқда. Айтиш мумкинки, айни пайтда бутун мамлакатимиз байрам кайфияти ва бунёдкорлик руҳи билан яшяпти.

Хурсандчилигимизнинг яна бир сабаби шуки, бугун — 22 март юртимизда яна бир байрам — Маҳалла тизими ходимлари кўни кенг нишонланади. Сана муносабати билан ушбу тизим фаоллари, оқсоқоллар, ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари қўллади.

— Маҳалла биз учун Ватан ичра кичик ватандир. Шу боис биз инсон қадрини маҳалла билан уйғун ҳолда тасаввур этамиз. Маҳалла тинч бўлса — бутун юртимиз тинч бўлади. Маҳалла обод бўлса, бутун мамлакатимиз фаровон бўлади. Айни шу сабабли, ҳаётимизда маҳалланинг ўрни ва нуфузини ошириш, унинг ваколат

ва имкониятларини кенгайтиришга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз халқимизга йўллаган байрам табригида қайд этганидек, маҳаллабай ишлаш асосида аҳолининг яшаш шароитларини, ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, одамларимизнинг соғлигини асраш, ижтимоий муаммоларни ечиш, хотин-қизлар ҳамда ёшларни замонавий касб-хўналарга ўқитиш, уларни иш ўринлари ва уй-жой билан таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар янги босқичга чиқаяпти. Доимо эл-юрт хизматига бўлиш, унинг таъми ҳамда муаммолари билан яшаш, барча даражадаги раҳбар ва мутасадди-

лар учун фаолият мезонига айланмоқда. Байрам табриги катта концерт дастури билан давом этди.

Саҳнада ўтган даврларда улкан муваффақиятлар, эришилаётган салмоқли натижалар турли бадий гуруҳлар чиқишлари орқали намойиш этилди. Дилбар хоншайларда Ватан, ободлик, тинчлик, оғузда ҳамда саодатли ҳаёт улуғланди. Бахтли авлод вакиллари — болажонлар эса бегубор орзуларни, ҳаёт нашидасини баралла куйлашди. Наврўз тантаналарида жўшқинлик, ёшлик, шижоат тараннум этилган куй-кўшиқлар барча-барчани рақсга чорлади.

Муаззам «Нито Агела» мажмуаси бўйлаб турли баҳорий ноз-неъматлари, ҳунармандчилик маҳсулотлари намойиши

Мужбиримиз Наврўз байрами тантаналарида қатнашган айрим ҳамюртларимизнинг фикр-мулоҳазалари ва таассуротлари билан қизиқди:

**Мавжуда ҲАСАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:**

— Наврўз ўзининг ўлмас руҳи, умминсоний юғларни билан башарият ҳаётини тобора чуқур ўрин эгалламоқда. Ёшлик пайтларимизда боболаримиз, момоларимиз биринчи бўлиб қоқилган чикса, баҳорга етказганига шукр, деб қоқилгани олиб кўзларига, пешоналарига суртаради. Улардан бунинг сабабини сўраганимизда: «Эсон омон яна баҳорга етганимизга шукрона қиламизда болам» деб жавоб беради.

Яна бир гап. Наврўзи олам бошланиши билан халқимиз тантанали байрамни дўсту қадрдонлар билан нишонлайди. Дошқозонларда сумалак, палов ва бошқа миллий таомлар тайёрланиб, элга улашिलाди.

«Нито Агела» мажмуасида уюштирилган байрам тантанасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, барчани Наврўз байрами билан табриклайди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида дунёда турли байрамлар, қўлгус саналар жуда кўплигини, лекин инсон қадри ва шайнинг улуғлашда Наврўз айёми алоҳида

ўрин тутганини билдириди. Юртбошимиз айтганидек, Наврўзи олам бизни табиат фарзанди бўлиб, Ватан тупроғини, она заминдаги ҳар бир гийҳни кўзимизга тўтиб қилиб яшашга ўргатади. Наврўз ҳаммамизга инсонийлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик фанидан сабоқ беради.

Умуман, қадим-қадимдан Наврўз ҳолис ниятли кишиларнинг сеvimли айёми бўлиб келган. Бу йилги байрам халқ уйинлари, халқ озгаси ижоди намуналари билан юртовдларимизнинг чинакам жозибадор байрамга айланади.

**Омонкул МУТАЛОВ, Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги «Чилонзор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

— Миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг барчаси маҳаллада шаклланади, сайқал топиб, ривожланади. Байрам тадбирида давлатимиз раҳбари ушбу институтнинг ҳаймиқимизда тутган ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб, унинг нуфузини ошириш, ваколат ва имкониятларини кенгайтиришга алоҳида аҳамият қаратайилётганини таъкидлади. Дарҳақиқат, шундай.

ташкил этилган. Сочларига гулчамбар таққан жажжи қизалоқлар табассуми, миллий либослари ўзига ярашган йиғилтар гурунги, бугунги дор

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2022 йил 19 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишhini давом эттирди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган мажлисда ҳукумат аъзолари ва идоралар раҳбарлари, Сенат ҳузуридagi Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлиси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нурбоева олиб борди. Дастлаб сенаторлар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги 2021 йил якуни бўйича ахборотини эшитди.

Таъкидланганидек, соҳада амалга оширилган тизимли ишлар натижасида умумий жиноятларнинг 89 фоизи фош этилган, қидирувдаги 4 615 нафар шахс ушланган, бедарак йўқолган 507 нафар шахс топилган.

9 314 та маҳаллада криминоген вазият таҳлил қилиниб, маҳаллалар "қизиқ", "сарик" ва "яшил" тоғфаларга ажратилган. Қўрилган чоралар натижасида 2021 йилда 2 639 та маҳаллада (28,3 фоиз) жиноятлар содир этилмаган, 3 628 тасида (39 фоиз) уларнинг содир этилиши ҳолатлари камайган.

Иқтисодий, бошқарув ва одил судлов соҳасида 1 313 нафар шахс томонидан содир этилган 1 018 та жиноят аниқланиб, улар оқибатида етказилган 86,1 миллиард сўм миқдоридagi зарар ундирилиши таъминланди.

Шу билан бирга, оқибатини ўрганишлар ички ишлар органлари томонидан эътибор қаратиш лозим бўлган масалалар мавжудлигини кўрсатди.

Хусусан, 2021 йилда содир этилган жиноятлар умумий сони 84 100 тани ташкил этиб, ҳар 100 минг аҳолига ўртача 321,4 тадан тўғри келган.

Оилалардаги нотинчлик, низоларнинг ўз вақтида ҳал этилмагани маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчиликнинг эътиборидан четда қолганлиги оқибатида ўта оғир жиноятлар содир этилмоқда.

Жумладан, 2021 йилда қотиллик жиноятларининг ҳар учинчиси ёки 158 таси (37,1 фоизи), оғир тан жароҳати етказиш жиноятларининг 190 таси (14,4 фоизи) оилавий муаммолар туфайли содир этилган.

Шу билан бирга, оилавий низоларга ўз вақтида барҳам берилмаганлиги оқибатида 14 935 та ҳуқуқбузарлик содир этилган. Уларнинг қарийб 60 фоизи (8 589 таси) Тошкент шаҳри, Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоятларига тўғри келди.

Оғир турмуш шaroитида яшаётган аёлларнинг муаммолари тўлиқ ҳал этилмаган келинаётганлиги туфайли 2021 йилда 9 759 нафар хотин-қиз томонидан 9 053 та жиноят содир этилган.

Оила-турмуш муносабатлари доирасида таъзия қилган хотин-қизларнинг 39 343 нафарига ҳимоя ордери берилган. Мақтабларда йўлга қўйилган "даволат тадбирлари" имкониятидан самарали фойдаланиш, аҳолини оғоҳликка чақиртириш йўналишидаги ишлар ҳам мунтазам равишда олиб борилмаган.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг сони айрим ҳудудларда юқориликка қолмоқда. Жумладан, ушбу жиноятларнинг 65,2 фоизи Фарғона, Тошкент, Наманган ва Бухоро вилоятларига тўғри келди.

Бундан ташқари, 14 миңдан ортиқ иш-

ни ва ташкилоти томонидан ўз вақтида очиқланмаган.

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги томонидан қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларига ижара ҳўққини бериш бўйича очиқ танлов гоилиблари тўғрисидаги маълумотлар вазирлик сайтида эълон қилинмаган.

Маданий мерос агентлиги томонидан давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос объектлари ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун берилган руҳсатнома эгалари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ эълон қилинмаган.

Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси томонидан ов қилиш ва овчилик ҳўжаликлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, ов қилиш тақиқланган жойлар, муайян ов қилиш жойларида ов қилиш учун тақиқ белгиланганлиги тўғрисидаги маълумотлар доимий янгилаб борилмагани жамоатчиликнинг катта эътирозига сабаб бўлган.

Республикадаги 204 та туман ва шаҳар ҳокимликларининг 43 тасида расмий веб-сайтлари ишламайди.

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан давлат харидлари билан боғлиқ маълумотлар, харажатлар сметаси ва унинг ижроси, хизмат сафарлари ва хорижий давлатлардан таширф буюрган меҳмонларни қутиб олиш харажатлари, лицензия ва руҳсат этиш учун масъуллар тўғрисида маълумот, енгил автомобиллар, хизмат уйлари ҳамда бошқа зарур маълумотлар жамоатчиликка тўлақонли эълон қилинмапти.

Мажлисда ҳукуматга давлат органлари ва ташкилотларининг иктымол аҳамиятга молик маълумотларни ўз мuddатида эълон қилмаган ҳамда камчиликларга йўл қўйиб раҳбарлари фаолиятини танқидий қўриб чиқиш ва масъулиятини ошириш бўйича вазифа қўйилди.

Сўнгра Сенат ялпи мажлисида қон ва унинг таркибий қисмлари дoнoрлиги соҳасини ривожлантириш учун қўрилаётган чоралар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама қилинди.

Мазкур парламент сўрови натижалари 2021 йил 21 октябрда Сенат ялпи мажлисида муҳокама қилиниб, ҳукумат томонидан айрим масалаларга аниқ жавоб берилмаганлиги қайд қилинган эди.

Жумладан, сенаторлар томонидан қўйиладиган масалалар танқид қилинган ҳамда Сенат қарори билан қўшимча мuddат ва топшириқлар берилган эди.

қон ва унинг таркибий қисмлари дoнoрлигини тартибга солувчи қонун ҳамда қонунотин ҳужжатлари билан тартибга солинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бўшлиқлар мавжуд ва уларни бартараф этишга қаратилган чоралар қўрилмаган; ихтисослаштирилган муассасаларнинг моддий-техника таъминоти ва модернизациялаш, хусусан, ПЦР аппаратлари, гемоцитоферез, плазмаферез, иммуногематология аналлизатор ва ИФА-анализатор ва бошқа ускуналар билан жиҳозлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланмаган; мазкур мақсадлар учун грантлар ажратиш режалаштирилган бўлса-да, бугунга қадар грантлар жалб қилиш бўйича аниқ натижаларга эришилмаган; қон қуйиш муассасаларида гемаконлар (бир мартали тизимлар ва контейнерлар ёки қон йиғиш пакетлари), қон сақлаш ва

ни ва ташкилоти томонидан ўз вақтида очиқланмаган.

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги томонидан қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларига ижара ҳўққини бериш бўйича очиқ танлов гоилиблари тўғрисидаги маълумотлар вазирлик сайтида эълон қилинмаган.

Маданий мерос агентлиги томонидан давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос объектлари ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун берилган руҳсатнома эгалари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ эълон қилинмаган.

Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси томонидан ов қилиш ва овчилик ҳўжаликлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, ов қилиш тақиқланган жойлар, муайян ов қилиш жойларида ов қилиш учун тақиқ белгиланганлиги тўғрисидаги маълумотлар доимий янгилаб борилмагани жамоатчиликнинг катта эътирозига сабаб бўлган.

Республикадаги 204 та туман ва шаҳар ҳокимликларининг 43 тасида расмий веб-сайтлари ишламайди.

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан давлат харидлари билан боғлиқ маълумотлар, харажатлар сметаси ва унинг ижроси, хизмат сафарлари ва хорижий давлатлардан таширф буюрган меҳмонларни қутиб олиш харажатлари, лицензия ва руҳсат этиш учун масъуллар тўғрисида маълумот, енгил автомобиллар, хизмат уйлари ҳамда бошқа зарур маълумотлар жамоатчиликка тўлақонли эълон қилинмапти.

Мажлисда ҳукуматга давлат органлари ва ташкилотларининг иктымол аҳамиятга молик маълумотларни ўз мuddатида эълон қилмаган ҳамда камчиликларга йўл қўйиб раҳбарлари фаолиятини танқидий қўриб чиқиш ва масъулиятини ошириш бўйича вазифа қўйилди.

Сўнгра Сенат ялпи мажлисида қон ва унинг таркибий қисмлари дoнoрлиги соҳасини ривожлантириш учун қўрилаётган чоралар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама қилинди.

Мазкур парламент сўрови натижалари 2021 йил 21 октябрда Сенат ялпи мажлисида муҳокама қилиниб, ҳукумат томонидан айрим масалаларга аниқ жавоб берилмаганлиги қайд қилинган эди.

Жумладан, сенаторлар томонидан қўйиладиган масалалар танқид қилинган ҳамда Сенат қарори билан қўшимча мuddат ва топшириқлар берилган эди.

қон ва унинг таркибий қисмлари дoнoрлигини тартибга солувчи қонун ҳамда қонунотин ҳужжатлари билан тартибга солинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бўшлиқлар мавжуд ва уларни бартараф этишга қаратилган чоралар қўрилмаган; ихтисослаштирилган муассасаларнинг моддий-техника таъминоти ва модернизациялаш, хусусан, ПЦР аппаратлари, гемоцитоферез, плазмаферез, иммуногематология аналлизатор ва ИФА-анализатор ва бошқа ускуналар билан жиҳозлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланмаган; мазкур мақсадлар учун грантлар ажратиш режалаштирилган бўлса-да, бугунга қадар грантлар жалб қилиш бўйича аниқ натижаларга эришилмаган; қон қуйиш муассасаларида гемаконлар (бир мартали тизимлар ва контейнерлар ёки қон йиғиш пакетлари), қон сақлаш ва



транспортировка анжомларининг миқдори ва сифат кўрсаткичлари назорати аниқ ёритилмаган;

қон хизмати автоматлаштирилган ахборот тизимига барча ихтисослаштирилган муассасалар боғланмаган, ахборот тизимининг иш давомидa қўлланилиши ҳамда жорий этилиши расмиятчилик учун ташкил қилиниб, тизимни такомиллаштириш ишлари талаб даражасида эмас.

Муҳокамада ҳукумат томонидан мазкур масала батафсил ўрганиб чиқилганлиги, қатор икбий ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, айрим масалалар ечимини юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланмаган. Натижада қон ва унинг таркибий қисмлари дoнoрлигини тартибга солиш солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, қон билан ишлаш хизмати муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мобил "донорлик комплекс"лари сонини кўпайтириш, кўнгил-ли ва бeғараз дoнoрлиқни ривожлантириш каби долзарб масалалар ечимини ортага сурилмоқда.

Шунингдек, қон хизмати ахборот тизимини амалиётга жорий этиш бўйича ишлар бошланган бўлса-да, тизимга нисбатан қўйилган талаблар тўлиқ амалиётга татбиқ этилмаган.

Сенаторлар томонидан Вазирлар Маҳкамасига қон ва унинг таркибий қисмлари дoнoрлигини ривожлантириш бўйича концепция ишлаб чиқилиши ташкил этиб, унда парламент сўровидagi муаммоларни бартараф этишни назарда тутиш зарурлиги таъкидланди.

қон ва унинг таркибий қисмлари дoнoрлиги соҳасини ривожлантириш учун қўрилаётган чоралар доимий назоратда бўлиши юзасидан Сенат қарори қабул қилинди.

Шундан кейин сенаторлар томонидан Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитасининг 2020-2021 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Қўмита томонидан ҳисобот даврида қўрилган ва парламент назорати фаолияти доирасида 41 та мажлис ўтказилиб, уларда 85 та масала муҳокама этилган.

Парламент қўйи палатасидан келиб тушган қўмита фаолияти йўналишига таллуқли бўлган 15 та қонун мустаҳкамаси ва экспертлар иштирокида дастлабки тарзда қўриб чиқилган. Қонунларнинг 12 тасини маъқуллаш ва 2 тасини рад этиш тўғрисида қўмита ҳулосалари Сенат ялпи мажлисига киритилган.

Қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини ошириш, амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминлишига қўмаклашиш мақсадида қўмита томонидан 9 та қонуннинг ижро ҳолати ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилиб, натижалари Сенат Кенгашига киритилган.

Ўрганиш натижалари юзасидан соҳага оид қонунчилик ҳўжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган.

Аграр, сув ҳўжалиги ва экология масалалари бўйича назорат-таҳлил фаолияти доирасида 22 та тадбир ўтказилган. Вазирлик, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг 2 та ҳисоботи ва 11 та ахбороти эшитилган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, жойларда аҳоли билан учрашувлар ва сайёр қабулларда ҳамда жамоатчилик томонидан қўрилган масалалар юзасидан 3 та парламент сўрови юборилиб, қўмита мажлисларида ва Сенатнинг ялпи мажлисларида муҳокама қилинган.

Қўмита тақлифи асосида Сенат ялпи мажлисида 14 та масала қўриб чиқилиб, ҳудудларда 5 та қонун ҳамда давлат дастурларининг ижроси ўрганилган. Натижада қўмита мажлисларида 6 та қарори қабул қилинган.

Хисобот даврида дeҳқoн ва томорқа ҳўжаликлари фаолияти ва улар учун яратилган имтиёзлар ҳамда қишлоқ ҳўжалигида ресурс тежовчи замонавий сўғирчи технологияларини жорий этиш бўйича белгиланган вазифаларнинг ҳудудларда ижро этилиши ҳолати ўрганилган.

Натижада манзилли дастур ишлаб чиқилиб, мазкур дастурга асосан 488 нафар талабгорга 44 миллиард сўмдан ортиқ субсидия маблағлари ажратиб берилган. Шунингдек, 12 миңдан зиёд аҳолининг 2 миң гектар майдони сув билан таъминланиб, қўшимча маҳсулот олиш имконияти яратилган.

Шу билан бирга, қўмита аъзолари қонунларни маҳаллий Кенгашларда муҳокама қилиш, ҳудудлар ва соҳаларда қонунлар, давлат дастурлари ихросини ўрганиш бўйича 342 та тадбир, 119 та давра суҳбати, 94 та семинар, 21 та конференция, 6 та форум ҳамда 10 та халқаро анжуманида иштирок этган.

Қўмита аъзолари томонидан Сенатда ва жойларда 3 миңдан зиёд фуқаролар қабул қилиниб, ўз сайловчилари билан мунтазам учрашувлар ўтказилган ҳамда 61 та сенатор сўрови юборилган.

Сенатга келиб тушган 3 миңга яқин мурожаатлар қўмита томонидан қўриб чиқилиб, 41 фоизи икбий ҳал этилган, шунингдек, қолганлари тегишлилиги бўйича вазирлик ва идораларга юборилиб, тушунтиришлар берилган. Қўмитанинг жойлардаги аъзолари томонидан эса 10 миңдан ортиқ мурожаатлар ўрганилиб, уларнинг 9 миңга яқини ҳал этилган.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг қарорларидан норози бўлган аҳоли томонидан Сенатга йўланган мурожаатларнинг 8 таси қўмита томонидан қўриб чиқилиб, Сенат қарорига асосан кўриб қилинган.

Муҳокама жараёнида қўмитанинг амалга оширилган ишлари билан бирга, фойдаланилмаётган имкониятлари мавжудлиги ҳам таъкидланди.

Жумладан: қишлоқ ҳўжалиги соҳасида маҳаллабй ва хонадонбй тадбиркорликни тарғиб қилиш, ишчи ўринлар яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мунтазам равишда баҳолаб бориш;

ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича назорат-таҳлил ишларини кучайтириш ҳамда тупроқ эрозияси ва деградациясининг олдини олишга қаратилган ўрганишлар олиб бориш;

аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш ҳамда давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларда самардорлик, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш каби масалалар қўмита томонидан амалга оширилиши зарурлиги қайд этилди.

Муҳокамалар сўнида Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Йигирма тўртинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарорлари ҳам тасдиқланди.

Йигирма тўртинчи ялпи мажлисда сенаторлар томонидан 18 та масала, шу жумладан, 9 та қонун муҳокама этилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишhini якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

## Муносабат

# СЕНАТОРЛАР ТОМОНИДАН ЧУҚУР ТАҲЛИЛДАН ЎТКАЗИЛДИ

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси иккинчи кунидан ўрин олган ҳар бир масала сенаторлар томонидан чуқур таҳлилдан ўтказилди. Улардан айримларининг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти хусусида сенаторлар ўз фикрларини қуйидагича баён этди.

**Баҳодир ТОЖИБЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси:**

— Сўнгги йилларда Олий Мажлис Сенати фаолияти янгиланди. Буни қўмитамиз фаолияти мисолида ҳам кўзатиш мумкин. Ялпи мажлисда қўриб чиқилган Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитасининг 2020-2021 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботида келтириб ўтилганидек, бу давр биз учун жуда самарали бўлди. Қонунчилик ва парламент назорати фаолияти доирасида 41 мажлис ўтказилиб, уларда 85 та масала муҳокама этилди. Айни чоғда 15 қонун мустаҳкамаси ва экспертлар иштирокида дастлабки тарзда қўриб чиқилиб, 13 таси маъқуллашган. 2 таси рад этилган.

Назорат-таҳлил фаолияти доирасида 22 та тадбир ўтказилган. Вазирлик, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг 2 та ҳисоботи ҳамда 11 та ахбороти эшитилган. Шуларга мос равишда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, жойларда аҳоли билан учрашувлар ҳамда сайёр қабуллар ва жамоатчилик томонидан қўрилган масалалар юзасидан 3 та парламент сўрови юборилди.

Қўмитамиз тақлифи асосида Сенат ялпи мажлисларида 14 масала қўриб чиқилиб, ҳудудларда 5 та қонун ва давлат дастурлари ижроси ўрганилди. Қолаверса, дeҳқoн ва томорқа ҳўжаликлари фаолияти ва улар учун яратилган имтиёзлар ҳамда қишлоқ ҳўжалигида ресурс тежовчи замонавий сўғирчи технологияларини жорий этиш бўйича белгиланган вазифалар ижро этилиши ўрганилди. Натижада манзилли дастур ишлаб чиқилиб, шу асосда 488 нафар талабгорга 44 млрд. сўмликдан ортиқ субсидия маблағлари ажратилди. Шу билан бирга, 12 миңдан зиёд аҳолининг 2 миң гектар майдони сув билан таъминланиб, қўшимча маҳсулот олиш имконияти яратилди.

Аҳоли билан мулоқот ҳам қўмитамизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Қўмитамиз аъзолари томонидан Сенатда ва жойларда 3 миңдан зиёд фуқаролар қабул қилинди ва шу асосда 61 та сенатор сўрови юборилди.

Ўз навбатида, Сенатга келиб тушган 3 миңга яқин мурожаатлар қўрилиб, 41 фоизи икбий ҳал этилган, шунингдек, қолганлари тегишлилиги бўйича вазирлик ва идораларга юборилган ёки тушунтириш берилди. Қўмитанинг жойлардаги аъзолари томонидан эса 10 миңдан ортиқ мурожаатлар ўрганилиб, уларнинг 9 миңга яқини ҳал этилди.

Умуман олганда, қўмитамизнинг охириги икки йилдаги фаолияти ҳар томонлама самарали бўлди, дейиш учун барча асос бор. Бундан кейинги иш фаолиятимизни ҳам шунга мувофиқ тарзда давом эттиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

**Манзура САЛИМОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Ялпи мажлисда қон ва унинг таркибий қисмлари дoнoрлиги соҳасини ривожлантириш учун қўрилаётган чоралар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари қизгин муҳокама қилинди.

Ғап шундаки, ушбу парламент сўрови натижаси 2021 йил 21 октябрда Сенат ялпи мажлисида муҳокама қилиниб, ҳукумат томонидан айрим масалаларга аниқ жавоб берилмаганлиги қайд қилинган ҳамда қўшимча топшириқлар берилган эди.

Маърифи келганда, улар қандай масалалар эканлигини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз.

Айтиш жоизки, ўтган давр мобайнида ҳукумат томонидан мазкур масалалар батафсил ўрганиб чиқилган ҳамда қатор икбий ишлар амалга оширилган. Аммо ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмас. Қон ва унинг таркибий қисмлари дoнoрлигини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, қон билан ишлаш хизмати муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мобил "донорлик комплекс"ларини кўпайтириш ҳамда қўнгилли ва бeғараз дoнoрлиқни ривожлантириш ана шулар жумласидандир.

Шунингдек, қон хизмати ахборот тизимини амалиётга жорий этиш бўйича ишлар бошланган бўлса-да, тизимга нисбатан қўйилган талаблар тўлиқ амалиётга татбиқ қилинмаган.

Бу гапги муҳокамалардан кейин мазкур муаммоли масалалар ҳам ечим топишига, ишонамиз.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»):**

## 22 март – Бутунжаҳон сув ресурсларини муҳофаза қилиш кўни

# ҲАР ТОМЧИСИ ОЛТИНГА ТЕНГ


Маълумки, БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил 22 февралдаги қарори билан "22 март — Бутунжаҳон сув ресурсларини муҳофаза қилиш кўни" деб эълон қилинган эди.

Ҳўш, қандай зарурат туфайли шундай қарорга келинган? Сир эмаски, бугунги кунда дунёдаги кескин экологик муаммолардан бири сув таъминлиги билан боғлиқ. Аниқ айтишга бўлса, жажонда тоза ичимлик суви захиралари тугаш хавфи тобора ошиб бормоқда. Айни пайтда Ер юзидagi дарёларнинг ярмига яқини ифлосланган, уларнинг ресурслари тугамокда. Ички сув хазвалари, айниқса, дарёлар шу қадар ифлосландики, улар табиий йўл билан ўзини ўзи тозалай олмапти. Бундай сувлар нафақат истеъмолга, балки маиший хизмат, турмуш ва санаят эhtiёжлари учун ҳам ярқисиб ҳисобланади. Чўчқ сув манбалари ифлосланишининг асосий сабаби урбанизация, санаят, маиший-коммунал ҳўжаликлари ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари ривожланиши билан боғлиқ. Марказий Осиёда ҳам сув захиралари қисқармоқда, уларнинг сифат кўрсаткичлари пасайиши ҳам энг долзарб муаммолар сирасига кирди.

Бу муаммонинг қанчалик глобаллигини англаш учун Ер шаридagi сув захирасининг 2 фоизга яқини чўчқ сув хиссасига тўғри келишини эслатиб ўтиш киришди. Камига, ушбу 2 фоизнинг фақатгина 0,4 фоизи суюқ ҳолда бўлиб, одамлар томонидан фойдаланиш имкони мавжуд, қолган 1,6 фоизи музликлардан иборат.

Маълумотларда келишича, ҳозирги пайтда 40 дан ортиқ давлатлардаги 2 миллиарддан зиёд аҳоли сув таъминлигини сезмокда. БМТнинг баҳосига кўра, 1,1 миллиард аҳоли тоза ичимлик сувидан фойдалана олмайдди, 2,3 миллиарди эса санитар талаб даражасига мутлақо жавоб бермайдиган сувни истеъмол қилишга мажбур бўлмокда.

# Эзгулик ва нафосат тимсоли



Наврўз — азалдан кўплай халқларнинг эзгу ва гўзал қадриятларини, унинг олижаноб орзу-интилишларини ўзида мужассам этиб, аждодлардан бизга ўлмас мерос сифатида ўтиб келаётган байрамдир.

Наврўз айни пайтда Ўрта Шарқ, Марказий Осиё, Кавказ, Хинд ярим ороли ва Болқон мамлакатларида кенг миқёсда нишонланади, шунингдек, бугунги кунда ҳам Наврўз географияси кундан-кунга кенгаймоқда.

## Дунё нигоҳи

**Соҳиба ШОКИРОВА,** Қирғизистон Президенти ҳузуридаги Олий академия докторанти (Қирғизистон):

— Наврўз баҳорнинг тенг кунлиги — кўшнинг ҳамал буржига киришига тўғри келади. Уни байрам қилиш дастлаб ўтқоқ деҳқонларда расм бўлган, кейинчалик улар орқали яримўтқоқ ва кучманчи туркий халқларда ҳам нишонлана бошланган.

Наврўзнинг кенг нишонланиши боқий аънана тусини олди. Ушбу байрамга пайваस्ता халқ маросимлари, урф-одат ва аънаналари миллий туйғуларимизни янада жўш урдиради.

Март ойини қирғизлар “Нооруз” деб аташади. Агар байрам кун чакалоқ дунёга келса, унга албатта, Наврўз дея исм қўйишади. Шунингдек, Қирғизистонда қор ёғиши ҳам яхши белгилардан саналади. Байрам арафасида одамлар ўз тураржойларини тартибга келтириди, қарзлари бўлса, узати, аразлашганлари билан ярашади.

Дўстларимнинг сўзига кўра, Ўзбекистон халқи Наврўз байрамини боғу хиёбонларда, сайилгоҳларда нишонлар экан. Бошқача қилиб айтганда, ушбу мамлакат одамлари “Наврўзгоҳ” деб номланган жойларда тўпланиб, ўзларининг аънанавий мушук, рақс санъатлари ва кўл ҳўнармандчиликларини намойиш этишаркан. Мен санъат муҳлисиман, шу сабабли айнан шу кунларда Ўзбекистонда меҳмон бўлиш ниятидаман.

**Боржон АЛИХЎЖА,** шоир ва тажикон (Қозғистон):

— Наврўз — миллий ўзлик, тинчлик-тотувлик, фаровон ҳаёт ҳамда ҳамжихатлик байрами. Ушбу айём биз, қозқолларда баҳорий янгилашни, муҳаббат тараннуми, унумдорлик ва дўстлик байрамини сифатида кенг нишонланади. Наврўзни кандай нишонлаш йил давомида олинанидан ҳосил ва шунингдек, омадга боғлиқ, деган қарашлар ҳам мавжуд. Байрам арафасида Қозғистонда турли байрам тадбирлари, уйинлар ва от чоптириш мусобақалари бўлиб ўтади. Наврўзни нишонлашда қозқоллар учун 7 рақами ўта муҳим саналиб, ҳар бир инсон 7 та хонадонни зиёрат қилиши, уйига 7 нафар меҳмон қаҳриши яхшиликдан дарак.

Наврўз байрамини нишонлаш туркий давлатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу халқларни яқинлаштирувчи илдизлар, тарих, маданият ва миллий қадриятлар муштараклиги, ўзаро самарали фаолият учун муҳим асос эканини унутмаслик лозим.

Ўзбекистонда ушбу байрам кунлари сумалак ва ҳалим каби таомлар тайёрланиши, улар байрам дастурхонининг асосий таоми экани ва қўниқўшилар, ёру дўстлар билан биргаликда баҳам қўрилиши ҳақида эшитганман. Ушбу таомлар уч минг йил олдин тайёрлана бошланган ва ҳозир ҳам тановул қилинади. Байрам кунларида қозқоллар ва ўзбеклардан ташкил топган бир гўзал давра, шунингдек, бир пиёла сумалак ҳамда ҳалим бўлса, йўқ демасдим.

**Абдул Ҳанан АРСЛАН,** ўзбек адабиёти бўйича тадқиқотчи, таржимон (Афғонистон):

— Наврўз — яхшилик элчиси. Бу байрамда одамлар кўнглида яхши орзу-ниятлар, режалар буй кўрсатади.

Афғонистонда Наврўз 21 март кун тунги соат бирдан бошлаб нишонланади. Шу соатдан бошлаб ҳеч ким кўчага чиқмайди. Афғонистонликлар бу вақтда кимдир уйни тарқ этса, келаётган йилда ноҳушлик юз беради, деган ақидага ишонишади. Шарқона янги йил бахтли кечини учун йиғлаш, асабийлашиш, жаҳл қилиш, болаларни жазолаш ман этилади.

Наврўз кунларида Ўзбекистонда турли сайиллар ўтказилар экан. Бу сайилларда нафақат ўзбеклар, балки мамлакатда яшаётган ҳар бир миллат вакили фаол иштирок этаркан. Байрамда миллий маданий марказларнинг аъзолари ва фаоллари ўзларининг аънанавий кийимларини кийиб, ўз урф-одатларини, таомларини намойиш қилади. Шу боис юртингиз Наврўзни турли хил қараш ва динга, миллатга мансуб одамларни бир ерга жамлагани, уларнинг кўнглига бирдай шодлик солгани билан ўзгачадир, десам, муболага эмас.

Раҳматқон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Баҳор юртимизда тантаналар, байрамлар, шодиёналар фасли сифатида эътироф этилади. Баҳорнинг энг нуфузли байрамларидан бири, шубҳасиз, Наврўз! Сабаби у эзгулик, нафосат тимсоли, пок туйғулар, улғу ниятлар айёмидир.

## Шукуҳ

Ушбу байрам минг йиллик қадриятларимизни, аждодларимизнинг ўлмас мероси бўлган урф-одатларимизни ифодаловчи байрам сифатида яшаб келаётгани ҳам шундан. Бу аjoyиб, ҳосиятли байрам кунлари катта оммавий сайиллар бўлади. Уларда халқ уйинлари, мусобақалар ўтказилади, куй-қўшиқлар ангайди.

Наврўз кунлари ёлғиз қариялар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, уларга совға-саломлар улашилади. Байрамга атаб оилаларда махсус баҳор таомлари, яъни ялғиз, отқоқ, жағ-жағ, шўра, йўнғичқадан ва бошқа қўкатлардан сомса, па-тир, бийрон ва кўк чучваралар тайёрланади. Айниқса, сумалак сайли алоҳида кўтаринкилик билан кутиб олинади.

Наврўз ўзининг ўлмас руҳи, умуминсоний гоғлар билан ба-шарият ҳаётидан тобора чуқур ўрин эгаллапти. Янги кун ва янги фасл дебوحаси, шарқона янги йилнинг бошланиши бўлмиш Наврўз айёми ўзининг маъно-мазмуни, кўрку таровати билан бошқа байрамлар орасида алоҳида ўрин тутади.

Шу нуқтаи назардан, ушбу байрамни ҳазимиз ўзгача руҳ, кўтаринкилик билан қарши олади. Ҳовли-жойлар тазаланади, маҳалла, кўча, хиёбон ва атроф-муҳит ҳашар йўли билан ободонлаштирилади. Янги кўчатлар тайёрланади, аввалгиларига қай-

тадан ишлов берилади. Дала-ларда иш қизигандан-қизиб, деҳқонболар азамат йигитлардан ҳам ўзиб кетади.

Кейинги йилларда энг қадимий ва асл миллий қадриятларимиздан бири бўлган Наврўз юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар учун том маънодаги умумхалқ байрамига айлан-ди. Ҳар йили ушбу байрамни кўтаринки руҳда нишонлаш бўйича давлатимиз раҳбарининг қарори қабул қилинади.

Президентимизнинг шу йил 17 февралдаги “2022 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тай-ёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори билан бу йилги байрам олдинги йилларда-гига нисбатан кенгроқ ва кўпроқ доирада ўтказилиши режалаштирилди.

Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланиб, жойларда байрамни юқори савияда ўтказишга кат-та тайёргарлик қўрилди. Респуб-

ликаимиз миқёсида аҳолининг дам олиши, сайру саёҳатлари учун дам олиш масканлари, парклар, боғ-лар халқимиз хизматида шай этилди. Байрам учун барча ша-роит яратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нуқтини тинглаб, қувонгимдан ичимга сизмай кетдим.

Давлат ва жамоат ташкилот-лари вакиллари, турли соҳалар-да самарали меҳнат қилаётган ватандошларимиз, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган дипломатик корпус вакиллари орасида ўтириб байрам тадби-рида иштирок этар эканман, ён-атрофимдагилар юз-кўзидаги қувонч, эртанги кунига бўлган ишонч, яратилган шароитлар учун миннатдорлик туйғуларини кўрдим.

Нутқда айтиб ўтилганидек, ушбу бетакрор айёмда Наврўзнинг олижаноб қадриятларидан куч-қуд-



рат ва илҳом олган халқимиз ма-ҳаллаларда ҳашарлар қилиб, кўчат ва гуллар экиб янги-янги боғ-роғлар, сайилгоҳлар ярат-моқда. Айни пайтда бутун мам-лакатимиз байрам қайфияти ва бунёдкорлик руҳи билан яшамоқда. Муҳтасар айтганда, бугун Наврўз ўзининг буюк қудрати би-

лан табиати уйғотмоқда. Фур-сатдан фойдаланиб барча юрт-дошларимизни Наврўз байрами билан табриқлаб, уларга тинчлик, раванқ ва фаровонлик тилайман.

**Одинахон ОТАХОНОВА,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

# БАРЧАМИЗГА БИРДЕК ДАХЛДОР МАСАЛА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирокида тиббиёт ходимлари билан ўтказилган оқиқ мулоқот жуда самимий ва ишчан қайфиятда бўлиб ўтди. Тарихий учрашувда билдирилган фикр-мулоҳазалар, кўтарилган масалалар ва уларнинг ечимлари бўйича белгиланган вазифаларни диққат билан тинглаб эканман, узоқ йиллар тиббиёт соҳасида меҳнат қилган мутахассис сифатида яратилаётган имконият ва шароитлардан жуда ҳам таъсирландим.

## Нуқтаи назар

Беихтиёр Тошкент шаҳридаги собиқ Ўрта Осиё медицина педиатрия институ-тути, ҳозирги Тошкент педиатрия тиб-биёт институтидаги талабалар даврла-рини, ундан кейин Эллиққалъадаги қишлоқ врачлик участкасида шифокорлар етиш-маганидан 12 нафар педиатрнинг иши оқлаб қўйилган, орада бир неча чаки-рим узоқликдаги туғруқхонада ишлаш-га тўғри келган ёш мутахассис пайт-лардаги фаолиятини кўз ўнгимдан бир-ма-бир ўта бошлади.

Оддий врачликдан тортиб, ҚВП му-дир ва икром тизимидаги масъуллардан бири сифатида фаолият юритган пайт-ларда ҳам тиббиёт соҳасидаги ўзгариш-лар, ютуқ ва натижалар билан бирга-ликда муаммо ва камчиликлардан ха-бардор бўлиб турганман. Давлат тиб-биёт муассасаларининг йиқилиб кетгу-дек бўлиб қолган бинолари, собиқ Иттифок давридани бун фойдаланиб ке-линган тиббий ускуналар, ҳудудий мо-лия таъминотидагиларнинг ҳужаларча муносабатлари — буларнинг барчаси бугун эслашни ҳам истамайдиган ўтмиш хотираларига айланганига шўр қиламан.

Ҳаёлимизга ҳам келмаган ўзгариш-ларнинг иштирокисчи, гувоҳи бўлишимиз: йил ўн икки ой оппоқ халати билан ободончилик ишларига сафарбар қилинган, қишлоқ ҳўжалигининг асосий “ҳашарчи”лари бўлган тиббиёт ходим-

ларидан бугун шахсан давлат раҳбари ҳўл-аҳвол сўрапти. Муассасалардаги таъминот ачинарли ҳолатда бўлгани-дан олдида наҳот истаб келган бемордан тиббий қўлқоп сўраша маж-бур бўлган мутахассислар эндиликда давранинг тўрида...

Оқиқ мулоқотга узоқ ва юқори дара-жада тайёргарлик қўрилгани яққол се-зими, соғлиқни сақлаш соҳасида эришилаётган ютуқлар, марралар билан бир пайтда ечимини кутаётган муаммо-лар алоҳида йўналишлар сифатида қайд этилди ва муҳими, уларнинг аниқ ечи-мига оид принципал ва стратегик ёнда-шувлар маълум қилинди. Бунда асосий эътибор фақатгина тиббий хизматдан фойдаланаётган аҳоли эмас, балки ушбу хизматни тақдим этувчи тиббиёт вакил-лари, қисқача айтганда, мамлакатимиз-даги ҳар бир инсонга гамаҳўрлик кўрсатишга қаратилганлиги алоҳида эътирофга лойиқ.

Мамлакатимизда аҳолининг саломат-лигини сақлашга нафақат пандемия да-врида, балки тўб ислохотлар бошланган ўтган беш йилда энг устувор вазифа-деб қаралмоқда. Ўтган даврда Ўзбеки-стон соғлиқни сақлаш тизимида аҳоли-нинг барча қатламига, айниқса, узоқ қишлоқ аҳолисига юқори сифатли тиб-бий хизмат кўрсатиш, кўп тармоқли марказий поликлиникалари томонидан

хизмат кўрсатиш қамровини кенгайти-риш бўйича етарлича тажриба тўплан-ди, бу борада илгор хорижий услублар-дан фойдаланилмоқда.

Соҳадаги ишларнинг кўлами, миқёси қай даражада ўзгарганини бунинг учун Давлат бюджетни маблағларидан ажра-тилган маблағлар ҳажми қанчалик оши-рилганидан ҳам билса бўлади. Хусусан, 2022 йилнинг ўзида соҳага бюджетдан 24 триллион сўм йўналтирилди. Бу эса 2016 йилдаги маблағқа нисбатан 4 ба-ророб кўпдир.

Энг аввало, бирламчи тиббиёт бўғи-нини яхшилашга эътибор қаратилиб, ҳар бир маҳаллада жонадонбай ишлайдиган тиббий бригадалар ташкил этилди. 2021 йилдан бошлаб, бирламчи бўғин-да аҳолини 66 турдаги дори воситалари билан бепул таъминлаш йўлга қўйилди. Ҳозирги вақтда одамлар шамоллаш, қон босими, юрак хуружи, қандли диабет, ошқозон ва нафас йўллари касалликла-рини даволаш учун энг зарур дори-ларни оилавий шифокор пунктлари ва поликлиникалардан олишмоқда.

Илгарилари минглаб юртдошларимиз даво истаб, қарз олиб бўлса-да, хори-жий мамлакатларга боришга мажбур бўларди. Ёки ундан ҳам кўп учраган ҳолатни кўпчилигимиз кўрганимиз, эши-тангмиз. Мураккаб ташхис қўйиш ёки да-волаш амалиётини талаб қилмаса ҳам, минг километр масофани босиб ўтиб, пойтахтдаги шифокорларга олтанганлар кўп бўларди. Бунинг бир қатор сабаб-лари бор эди. Биринчидан, чекка худуд-ларимизда малакали мутахассис етиш-масди. Худудлардаги аҳоли сонига нис-батан тиббий ходимларнинг сони жуда камчилиги ташкил қилар эди.

Иккинчидан, шифокорларда ўз устида ишлаши учун етарли шароит, вақт, им-кон бўлмади эди. Учинчидан, маънан эс-кирган, ўз аҳамиятини йўқотган тиббий

техника ва ускуналар билан кундан-кун-га тури ва миқёси ортиб бораётган ка-салликларга ташхис қўйиш ва даволаш ишларини сифатли йўлга қўйиб бўлма-ди қолгани. Тўртинчидан, узоқ йиллар да-вомида аҳолининг саломатлигини сақ-лаш борасида хусусий тиббий муассас-аларнинг имкониятларидан фойдаланиш жоиз деб билинмади.

Президентимиз ҳар сафар турли худудларга борганида, у ердаги тиббий муассасаларга ҳам кириб ўтишлари, маҳаллий аҳолини ўйлантираётган ма-салалар билан қизиқишлари ўз натижа-сини бермай қолмади. Хусусан, сўнгги беш йилда худудларда 23 та ихтисос-лаштирилган тиббиёт марказларининг юздан ортқ филиаллари ўз фаолиятини бошлади. Натижада илгари пойтахтда амалга оширилган 210 турдаги опера-ция ва ташхислари маҳаллий шифохо-наларда ўтказиш имконияти яратилди. 130 турдаги жарроҳлик амалиётлари ви-лоят шифохоналарида, 60 тури эса ту-манларда биринчи марта йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, зарур моддий-тех-ника базаси ва малакали мутахассис-га эга бўлган хусусий клиникаларга ҳам мураккаб турдаги жарроҳлик амалиё-тини ўтказишга рўхсат берилиши хо-рижга даво излаб кетаётган ҳамюрт-ларимиз сафини сезиларли даражада қисқартирди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида соҳа вакиллари ва аҳолидан келиб тушган муражатларни умумлаштириб, улар асо-сида 7 та муҳим йўналишни кўрсатиб ўтди. Бирламчи тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш, тез тиббий ёрдамни ривожлантириш, тиббиёт му-ассасаларининг шароитини яхшилаш, соҳа ходимларини моддий рағбатланти-риш, шифохоналарни малакали кадрлар билан таъминлаш, жамиятда соғлом турмуш маданиятини ошириш, касаллик-

ларнинг олдини олишга қаратилган янги ташаббуслар илгари сурилди.

Масалан, жойларда поликлиникалар тармоғи янада кенгайтирилиши, хусусан, 2 мингдан зиёд олис маҳаллаларда тиб-биёт пунктлари ташкил этилиши таъкид-ланди. “Қишлоқ шифокори” дастури яна-да такомиллаштирилиб, чекка худудлар-да фаолият олиб бораётган шифокор-ларнинг ойлик иш ҳақиға 2 миллион сўмдан қўшимча устама тўланади, уй-жой этиб олишига кўмаклашилади. Бундай жойларда узлуксиз уч йил ишлаган ши-фокор клиник ординатурага имтиҳонсиз қабул қилинади. Нафақага чиққан тажри-бали шифокорларга ўз уйида ёки ижара бинода даволашга рўхсат берилади.

Шу билан бирга, тиббиёт ходимла-рини хар томонлама қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланади. Жорий йил 1 июн-дан тиббиёт ходимларининг ойлик мао-ши малака тоифасига қараб 15 фоизга-ча оширилади. Юқори технологияли му-раккаб операцияларни бажарган ши-фокорларга эса яна 25 фоиз миқдорда устама тўланади. Барча тиббиёт ходим-лари учун дастлабки ва даврий касбий тиббий кўриқ бепул ўтказилади.

Кези келганда таъкидлаш лозим, бу борадаги кенг кўламли ишларнинг иж-росини назорат қилиш биз, парламент аъзоларига улкан масъулият юклайди. Депутатлар жойларда соғлиқни сақлаш соҳасида учраётган муаммоларни ўрга-ниш, уларнинг ечим бўйича асосли так-лифларни беришда иштирок этиши, қонунчилик ташаббусларини илгари су-риши муҳим аҳамият касб этади.

Умуман, соғлиқни сақлаш соҳаси бар-чамизга дахлдор, ҳаёт ва мамотни ҳал қилувчи муҳим масала. Уни янада ри-вожлантириш, соҳадаги муаммо ва кам-чиликлари бартараф этишдан барча-миз бирдек манфаатдоримиз.

**Зўҳра ИБРАГИМОВА,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси раҳбари.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



# ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

## ЖАМОАСИ

кўп миллатли халқимизни,  
институт профессор-ўқитувчилари,  
ходимлари ва келажагимиз ишонч  
бўлган талаба-ёшларимизни  
янгилиниш ва яшариш байрами — Наврўзи олам  
билан самимий табриқлайди.

# НАВРЎЗ ЮРТИМИЗГА ТИНЧЛИК, ОМОНЛИК, ҚУТ-БАРАКА ОЛИБ КЕЛСИН!

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 348. 30 067 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетанимиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланди.

Газетанинг полиграфик аҳдатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.  
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машираббев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 00.55 Топширилди — 01.35

1 2 3 4 5 6